



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 2-aprel, chorshanba,
39 (24.065)-son

O'zbek xalq
maqoli

Ishlining
peshonasi
terlar,
ishsizning -
bo'yni

Zarafshon

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz



Самарқандда илк бор иқлим форуми ўтказилади

Ушбу ҳафтада дунё нигоҳи яна Самарқандга қаратилган. Шарқ давроси бўлган қадимий кентда "Марказий Осиё – Европа Иттифоқи" биринчи саммити ва Иқлим форуми ўтказилади.

Айни пайтда шаҳарда мазкур анжуманларга қизғин ҳозирлик кўрилмақда. Шаҳар кўчалари Марказий Осиё давлатлари ва Европа иттифоқи байроқлари ҳамда форум рамзлари билан безатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3-4 апрель кунлари бўлиб ўтadigan саммит ишида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқоев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов иштирок этади.

Шунингдек, форумда БМТ, халқаро молия институтлари ва етакчи экология ташкилотлари вакиллари, 80 дан ортиқ давлат делегациялари қатнашади.

Таъкидлаш лозимки, БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан "Марказий Осиё экологик муаммолар олдида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш" резолюцияси-ни бир овоздан қабул қилган. Унда Ўзбекистон Президентининг қатор ташаббуслари, jumladan, Марказий Осиё учун яшил кун тартиби ва унинг минтақада барқарор ривожланишга кўмаклашишдаги роли алоҳида қайд этилган ҳамда Самарқандда Халқаро иқлим форумини ўтказиш ташаббуси қўллаб-қувватланган.

"Марказий Осиё глобал иқлим муаммоларига дуч келмоқда: умумий фаровонлик учун бирлашиш" мавзуси остидаги форум экологик барқарорлик, яшил иқтисодий ривожланиш ва иқлим барқарорлиги бўйича мулоқотни илгари суриш учун юқори даражадаги платформага айланади. Асосий эътибор минтақавий

ва халқаро ҳамкорликка қаратилган. Иқлим форуми қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларини комплекс бошқариш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва барқарор шаҳар тараққиёти каби асосий йўналишлар бўйича эксперт панеллари, ялпи сессиялар ва сиёсий мулоқотларни тақдир қилади.

Муҳокаманинг асосий мавзуларидан бири глобал миқёсдаги экологик ҳалокатнинг яққол намунаси бўлган Орол денгизи инқирозидир. Мутахассислар ва ҳукумат вакиллари зарар кўрган ҳудудларда ерларни тиклаш, чўлланишга қарши курашиш ва иқлим ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини камайтириш бўйича барча ечимларни кўриб чиқади.

Тадбир якунлари бўйича Самарқанд форумининг якуний ҳужжати – "Яшил" ривожланишнинг минтақавий концепцияси тақдими-ти режалаштирилган бўлиб, у иқлим ўзгариши соҳасида Марказий Осиё давлатларининг ягона минтақавий қарашларини шакллантиришга асос солади. Унда етакчи халқаро ташкилотларнинг минтақадаги экологик муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ёндашувлари баён қилинади.

Халқаро тадбирларнинг юқори савияда ўтказилиши ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида Самарқандда транспорт воситалари ҳаракатланиши қисқартирилиши ва чекланиши муносабати билан 1-5 апрель кунлари Самарқанд шаҳридаги етти олий ўқув юрти ҳамда тўртта академик лицей ва техникумда қисқа муддатли таътил эълон қилинди. Бу муассасаларда ўқув жараёнлари 2025 йил 7 апрель, душанба кунидан бошланади.

Шунингдек, 3, 4 ва 5-апрель кунлари вилоят ҳудудидан транспорт воситалари учун айланма ҳаракат ташкил этилади.

Кун нафаси



Вилоятимизнинг Urgut, Bulung'ur, Nurobod va Samarqand tumanlaridagi mahallalarda millatlararo totuvlik va bag'rikenglikni ta'minlash, turli millat vakillari o'rtasidagi do'stlik aloqalarini mustahkamlash, milliy va umuminsoniy qadriyatlarimizni asrab-avaylash maqsadida shu shior ostida ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar bo'lib o'tdi.

Jumladan, Urgut tumanining qo'shni Tojikiston bilan chegaradosh Tinchlik, Vatkan-Qo'zi-bek, Rahmatobod, Chep, Mirzabog'lon, To'rtko'l, G'ijduvon, Choshtepa, Murodqiшлоқ, Soyg'o's, Mo'minobod, Quyi Mo'minobod, Chumchuqli, Terak mahallalarida, Samarqand tumanining Gulobod, Dehnav, Qumzor, Mironqul, O'rta Ohalik, Bulung'ur tumanining Xo'jamazgil va Nurobod tumanining Oqsoy mahallalarida o'tkazilgan tadbirlarda mahalliy aholi bilan birga, Tojikiston, Turkiya, Yaponiya va Koreyadan kelgan mehmonlar, viloyatimizdagi milliy-madaniy markazlar vakillari ishtirok etdi.



Tadbirlarda viloyat va tumanlar hokimliklari mas'ullari, faollar, shoir va yozuvchilar so'zga chiqib, aholini Ramazon hayiti bilan tabrikladi. Yurtimizda inson qadriini ulug'lash, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni mustahkamlash borasidagi islohotlar qayd etildi. Davlatimiz rahbarining Tojikiston Respublikasiga tashrifi va qo'shni mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarining mustahkamlanib borayotgani, bugungi osoyishtalik va

QO'SHNI CHILIK — MINGYILCHILIK

farovonligimiz xalqlarimizning birligi, hamjihatligi natijasi ekanligi ta'kidlandi.

– Uch kundan beri tumanimizning qo'shni Tojikiston bilan chegaradosh 15 hududida do'stlik va hamjihatlikni, milliy qadriyat va an'analarimizni targ'ib qiluvchi tadbirlar o'tkazilmoqda, – deydi Urgut tumani hokimi Botir Jabborov. – O'zbek va



tojik xalqlari azaldan o'zining tarixi, madaniyati va an'analari yaqinligi bilan ajralib turadi. Keyingi yillarda bu yaqinlik ikki davlat o'rtasida ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy aloqalarining mustahkamlanib borayotganida namoyon bo'lmoqda. Jumladan, ikki mamlakat o'rtasida chegaralarning ochiqligi savdo-sotiq, mahsulotlar eksporti hajmining oshishida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bu kabi madaniy-ma'rifiy tadbirlar xalqlarimizni yanada jipslashtiradi va hamkorlik aloqalari rivojlanishiga xizmat qiladi.

– Mahallamizda 5485 nafar aholi yashaydi, – deydi Urgut tumani Soyg'o's mahallasi raisi Rafiq Abulfayzov. – Fuqarolarimizning 70 foizdan ziyodini tojik millati vakillari tashkil qiladi. Mahallamizning asosiy drayveri uzumchilik va savdo-sotiq



bo'lib, qo'shni Tojikiston bilan yaqin hamkorlik aloqalari o'rnatilgan. Hatto xalqlarimizning yaqinligi qarindoshlik rishtalari bilan bog'langan.

– Tojik va o'zbek xalqining tarixi, madaniyati, hayot tarzi bir, – deydi O'zbekiston va Tojikiston Yozuvchilar uyushmalari a'zosi, "Durdona Sharq" jurnali muharriri Asadullo Shukurov. Ikki millat o'rtasidagi madaniy aloqalar kun sayin mustahkamlanib bormoqda. Ayni shu kabi tadbir va sayillar ham xalqlarimizni birlashtiradi.

Tadbirlarda teatrlashtirilgan sahna ko'rinishlari va konsert dasturlari, amaliy san'at va hunarmandchilik namunalari ko'rgazmalari, "Varraklar sayli", xalq o'yinlari va sport musobaqalari, "Adabiy ko'prikl" kompozitsiyasi asosida qo'shni xalqlarning adabiy merosini aks ettiruvchi kitoblar taqdimoti o'tkazildi. "Mehr-oqibat dasturxon" shiori ostida turli millatlarning milliy taomlari tayyorlandi va aholiga hayit oshi ulashildi.

Asqar BAROTOV,
Fazliddin RO'ZIBOYEV,
Baxtiyor MUSTANOV,
"Zarafshon" muxbirlari.

Boshqa viloyatlarga samolyotda boramiz

Qayd qilingan ish transport vazirligi tomonidan "Uzbekistan airways" AJ va "Uzbekistan airports" AJ bilan birgalikda amalga oshiriladi. Jumladan, Buxoro, Urganch, Termiz, Namangan va Farg'ona shaharlariga parvozlar tashkil qilinadi.

Bunda aviaqatnovlar qulay (ertalabki va kechki) jadval asosida amalga oshiriladi.

Ushbu yangilik davlat rahbarining "Samarqand viloyatida investitsiya va tadbirkorlik muhitini yanada rivojlantirish hamda aholi turmush darajasini yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida qayd qilingan.

ESKI HOVLILAR O'RNIDA ZAMONAVIY BINOLAR BO'LADI

Davlat rahbari imzolagan hujjat bilan tanisharkansiz, shahar infratuzilmasi yaxshilanishi barobarida aholining turmush farovonligini oshirishga alohida e'tibor qaratilganiga guvoh bo'lasiz. Zotan, yangi ish o'rinlari yoshlar va malakali mutaxassislar uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratib, iqtisodiyotni yanada rivojlantirishi shubhasiz.

Darvoqe, ko'hna kentning Maton, Mehnat, Maysazor, Temiryo'lchilar, Ipak yo'li, Baraka, Nurafshon, Nafosat, Sadaf hamda Bag'dod mahallalaridagi jismonan va ma'nan eskirgan, avariya holatidagi 2 ming 878 ta bir va ikki qavatli uylar o'rnida renovatsiya dasturi asosida ko'p qavatli zamonaviy uylar quriladi. Yangi turarjoylar aholining yashash sharoitlarini sezilarli darajada yaxshilash bilan birga, zamonaviy arxitektura va qulayliklarni birlashtirgan muhit yaratadi.

QORASUV MASSIVIDA 600 TA YANGI ISH O'RNI YARATILADI

Buning uchun qiymati 1 trillion so'mga teng loyihalar amalga oshiriladi. Xususan, 89 gektar yer maydonida 16 ta ko'p qavatli turarjoy majmuasi, 1 ta ijtimoiy hamda 24 ta savdo va xizmat ko'rsatish obyektlari barpo etiladi.

Bundan tashqari, ushbu maskanda Zarafshon daryosi bo'yidagi 116 gektar yer maydonida aholi hordiq chiqarishi va sayr qilishi uchun barcha sharoitlarga ega "Yangi O'zbekiston" bog'i barpo etiladi.

Yil yakunigacha Qorasuv massivining 3,7 kilometr ichki yo'llari joriy ta'mirlanadi. Bu o'zgarishlar transport qatnovining yaxshilanishi hamda piyodalar uchun xavfsiz, qulay sharoit yaratilishiga xizmat qilishi shubhasiz.

INVESTITSION JOZIBADORLIK ORTYAPTI

Yangi infratuzilmalar va qulay shart-sharoit aholining kundalik hayotini yaxshilash barobarida sayyohlar, jumladan, investorlarda hududga katta qiziqish uyg'otmoqda.

Misol uchun, Samarqand shahrida yana bir kardiologiya klinikasi ish boshlashi belgilangan. Prezident imzolagan qarorda ushbu loyihaga Buyuk britaniyalik Tayman Vahid va Muhammad Sherlar investitsiya kiritayotgani ko'rsatilgan.

Bundan tashqari, 2025-yilda irlandiyalik investor ALC Blarney Aircraft Limitee havo transportida yo'lovchi tashish xizmatlarini tashkil etishni rejalashtiryapti.

Y.MARQAYEV tayyorladi.

"Rahbar va yoshlar uchrashuvi" nomi ostida tadbirlar tashkil etish an'anaga aylandi. Xo'sh, bunday uchrashuvlardan qanday maqsadlar ko'zlangan?

Viloyat yoshlar ishlari boshqarmasi, tuman va shahar yoshlar ishlari bo'limlari yoki hokimliklarning ijtimoiy tarmoqlardagi sahifalarida uchrashuvlar o'tkazilgani haqida qisqa xabarlarini o'qiyapmiz. Ammo ularda qaysi toifadagi yoshlar qatnashgani, o'zlarini qiynayotgan ayunan qaysi muammoni o'rtaga tashlagani va uning yechimi haqida ma'lumotni kam uchratyapmiz.

Ba'zi uchrashuvlar yoshlar bilan tizimli ishlash, ularning muammo va takliflarini o'rganish, bandligini ta'minlash, bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish uchun qulay sharoitlar yaratish maqsadida o'tkazilgan bo'lsa-da, ularda faol yigit-qizlar ishtirok etganiga guvoh bo'lamiz. Muammoli, ishsiz yoshlar bunday uchrashuvlarga taklif etilmaydimi yoki taklif etilsa ham kelmaydimi? Muammoli yoshlar uchrashuvda qatnashgan bo'lsa-yu, ularning murojaati qay darajada hal etilyapti?

Kattaqo'rg'on shahri yoshlar ishlari bo'limining bir ma'lumotiga ko'zim tushdi. Bir oy davomida o'tkazil-

Yoshlar bilan uchrashuvlardan maqsad

hisobot tayyorlashmi yoki muammoni hal etish?

gan uchrashuvlar to'g'risidagi jadvalda nechta mahalladan yoshlar qatnashgan bo'lsa, har biridan bir xil 4 nafardan yosh murojaat qilganligi, 3 tadan masala hal etilgani, 1 tadan murojaat jarayonda ekanligi qayd etilgan. Jadvalda ijro uchun mas'ul tashkilot deganda "Shahar yoshlar ishlari bo'limi"ning o'rniga "Yoshlar ishlari agentligi tuman bo'limi" yozilgan. Bu namuna uchun qaysidir tumandan olingan eski jadvalni shaharniki qilib o'zgartirishda xato ketgan bo'lishi mumkin. Ammo uch murojaatchining telefon raqami bir xilligi mas'ullarning jadval to'ldirishdagi e'tiborsizligi, hisobot uchun qaysi ma'lumot tarqatayotganidan dalolat bermaydimi?

To'g'ri, ish bor joyda xato bo'ladi, biroving xatosini topish oson, unga yuklatilgan vazifani ham hisobga olish kerak, deyishingiz mumkin. Shu jad-

valdagi telefon raqamlari yozilgan bir nechta murojaatchi bilan bog'lanishga harakat qildik. Ammo "hal etilgan" degan qatorda turgan ayrim muammolar jarayonda ekanligi ayonlashdi. Uchrashuv ishtirokchisi sifatida ro'yxatda turgan yoshlarning ayrimlari nogiron ekanligi, to'shakda yotganligi, ularning o'rniga yaqinlari qatnashganligi ma'lum bo'ldi.

– Adolat Ahadovanning onasiman, – dedi Kattaqo'rg'on shahridagi Ochildimurod Miriy mahallasida yashovchi Marhabo Majidova. – Shahrimiz hokimi va mas'ullardan minnatdorman, bayramlarda qizimning holidan xabar olib turadi. Yoshlar tashkiloti ham 2-3 yildan beri yiliga bir marta 1 million so'mdan ziyodroq miqdorda moddiy yordam beryapti. Oilaviy sharoitimiz og'ir. Har yili yordam so'rayman. Ko'pchilik meni boqimanda bo'lib qolgan, deb

Ana xolos



o'ylaydi. Aslida ishlashni istayman, ammo nogiron qizimni tashlab chiqolmayman, ilojini topolmayman. O'g'lim yo'q, ikki qizim turmushga chiqqan. Turmush o'rtog'imning yoshi 60 da. Shunday bo'lsa-da, issiq kunlarda u yer-bu yerda ustachilik qilib, choychaqa topib kelyapti. Qizimning dori-darmonlari, har kuni ishlatiladigan tagliklariga ozmuncha pul ketmaydi-da. Mahalla tomonidan beriladigan moddiy yordam o'tgan yili avgust oyida to'xtatilgan edi. Yana qarovchi sifatida menga moddiy yordam chiqarilishi uchun murojaat qilyapman, doim "rad etildi", degan javobni olyapman. Yanvar oyida o'tkazilgan rahbar va yoshlar uchrashuviga qizimning o'rniga o'zim qatnashib, moddiy yordam so'radim. Yaqinda yordam beriladi, deyilyapti. Ammo hali murojaatim hal etilgani yo'q. Boshqa hududlardagi uchrashuvlarda ham bunday holatlar kuzatilishi tabiiy. Tirnoq ostidan kir qidirmoqchi emasmiz. Maqsadimiz kelajagimiz bo'lgan yoshlarga yetakchilik qilayotganlarni yanada mas'uliyatliroq bo'lishga chaqirish, xolos.

To'liq SIDDIQOV,
Baxtiyor MUSTANOV,
"Zarafshon" muxbirlari.

«ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИАТ ТУРИБДИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» биринчи саммити олдидан «Euronews»га берган интервьюси

– Кейинги йилларда дунё шиддат билан ўзгармоқда: геосийёсий беқарорлик, иқтисодий хатарларнинг ўсиши, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар – буларнинг барчаси халқаро ҳамкорликнинг янги форматларини тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, Самарқанд шаҳридаги «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» саммити минтақаларимиз ўртасидаги муносабатларда бурилиш нуқтаси сифатида кўринмоқда. Нима учун айнан шу пайт ўзаро ҳамкорлик янги босқичга чиқмоқда?

– Минтақаларимизни чуқур тарихий илдизлар, бир-бирига мос манфаатлар ва яқин шерикликка объектив интилиш боғлаб туради. Бугунги кунда биз Европа Иттифоқи билан ҳамкорликнинг қарийб ўттиз йиллик самарали тажрибага асосланган аниқ кун тартибини шакллантирганмиз.

Бизнинг Европа Иттифоқи билан шериклигимиз – бу икки томонлама ҳаракат, ундан иккала томон ҳам манфаат кўриши лозим.

«Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» формати – ноёб ҳамкорлик платформаси бўлиб, ўлчам ва институционал қамров жиҳатидан унга ўхшاشи мавжуд эмас. 27 давлатни, жумладан «Катта еттилик»ка аъзо учта мамлакатни (Германия, Франция ва Италия) бирлаштирган Европа Иттифоқи Марказий Осиё билан минтақаларо даражада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйган энг йирик интеграцион тузилма ҳисобланади. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик иқтисодиёт ва инвестициядан тортиб барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва рақамли трансформациягача бўлган соҳаларнинг кенг мажмуасини қамраб олади ҳамда узоқ мuddатли стратегик устувор йўналишларга асосланади.

Биз европалик ҳамкорларимиз билан мунтазам учрашиб келмоқдамиз. Минтақамизга етакчи давлатлар раҳбарларининг ташрифлари анча фаоллашди. Ўзбекистон Италия, Венгрия ва Франция билан стратегик шериклик ўрнатди. Германия ва Марказий Осиё мамлакатлари эса минтақавий стратегик шерикларга айланди.

Бугун Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан савдо ва инвестиция алоқаларини изчил ривожлантирмоқда. Охириги етти йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ЕИ билан савдо айланмаси тўрт баробар ошиб, 54 миллиард еврога ташкил этди.

Биз Европа бизнесининг Ўзбекистон ва минтақадagi бошқа мамлакатлар билан савдо ва инвестициявий ҳамкорлик қилиш имкониятларига қизиқиши кучайиб бораётганини мамнуният билан кузатиб келишимиз.

Минтақамизда кузатилаётган ижобий жараёнлар туфайли Марказий Осиё кудратли ва етакчи давлатларнинг Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи йўллар тутаган геосийёсий қоррадаги ишончли ҳамкорига айлантирилмоқда. Бу «Марказий Осиё плюс» форматларида ўз ифодасини топишмоқда. Улар очик мулоқотни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиб, барча томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун қулай имконият яратмоқда.

Бундай шароитда Самарқанд саммитида Европа Иттифоқи ва минтақамиз давлатлари ўртасида стратегик шериклик йўлга қўйилиши минтақаларо ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқликнинг ривожланишида янги йўналишлар очади.

– **Саммитни ўтказиш жойи сифатида Самарқанд шаҳри танланишининг сабаби ҳақида батафсил сўзлаб берсангиз. Самарқанд мулоқот ва имкониятлар нуқтаи назаридан қандай рамзий аҳамиятга эга?**

– Самарқанд — асрлар давомида савдо, илм-фан ва дипломатия маркази бўлиб келган шаҳардир. Унинг улғуровлиги турли маданиятлар, халқлар ва ғояларни бирлаштира олганда. Бугун у яна Европа ва Марказий Осиё эконоамизининг асосий муаммоларини муҳокама қилиши мумкин бўлган мулоқот майдонига айланмоқда.

Самарқанд Марказий, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳудудда истиқомат қилган халқларнинг кўп асрлик халқаро муносабатлари тарихида алоҳида ўринга эга. Олти асрдан ортиқ вақт илгари айни шу ердан Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур Европа монархлари билан эркин ва хавфсиз савдонини таъминлаш мақсадида фаол алоқалар ўрнатган эди. Бугунги кунда Самарқанд халқаро ҳаётдаги ўзига хос ўринни тикламоқда ҳамда мамлакатимизнинг тарихий сиёсий ва дипломатик меросини асраб-авайлаб, уни янги, янада кенг мазмун билан бойлантирмоқда.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яқлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. «Самарқанд руҳи» деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

– **Кейинги йилларда минтақадa юз берган асосий ўзгаришларни қандай тавсифлаган бўлардингиз, Марказий Осиё бешлигида Ўзбекистон раислиги даврида қайси устувор йўналишларга эътибор қаратасиз?**

– Аввало, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу бир қатор омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, бугунги дунё сиёсати харитасига назар ташласак, қуролини низолаб, зиддиятлар ва ўзароинчлик авж олаётган ҳолатларнинг асарияти айнан кўшини давлатлар ўртасида ўз бераётганини кўраимиз. Бу ҳолат Яқин Шарқ, постсовет макони, Жанубий Осиё, Африка ва бошқа минтақалар учун ҳам хос. Афсуски, Марказий Осиё ҳам бундай ҳолатлардан мустасно бўлмаган. Турли даврларда бу ерда қуролини тўқнашувлар содир бўлган, чегара масалалари, сув-энергетика муаммолари, транспорт



ва алоқа соҳасидаги мураккабликлар, хавфсизликка оид таҳдидлар вазиятни оғирлаштирган. Бу эса узоқ давом эта олмасди. Ихтилофлар кучайди, келишмовчиликлар чуқурлашди ва юзага келаятган мураккаб вазият минтақанинг хавфсизлигига жиддий таҳдид сола бошлади.

Биз ана шундай реал ҳолатни аниқлаб етиб, стратегик қарор қабул қилдик: Марказий Осиёда конструктив, яхши қўшнчиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни босқичма-босқич барпо этиш. Бу ёндашувнинг замирида ўзаро ишонч ва ҳурмат, умумий манфаатларни ҳисобга олиш ва тан олиш ётади.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди — конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. Бу эса мамлакатларимиз етакчиларининг умумий сиёсий иродаси туфайли амалга ошди. Бугун биз бу жараённинг ортага қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз.

2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси билан чиққанида, биз оддий, бироқ муҳим ғоядан келиб чиққан эдик: агар биз ўзаро ишонч ва очик мулоқотни ўзимиз бошламасак, ҳеч қандай ташқи ҳамкорлар минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаб бера olmayми. Бу жараён ўз самарасини кўрсатди. Бугун энг мураккаб масалаларни музокаралар орқали ҳал этмоқдамиз, кўшма ташаббусларни мувофиқлаштиришимиз ва олдинга дадил қадам ташлашимиз.

Жорий йилда Тошкентда еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Бундай йиғилишларда биз нафақат кун тартибини муҳокама қилганимиз, фикр алмашганимиз, балки минтақа қиёфасини ўзгартирувчи аниқ қарорларни қабул қилмоқдамиз. Яқин орадаги ёрқин мисол — Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида давлат чегарасини делимитация қилиш масаласининг узил-кесил ҳал этилиши бўлди. Бу — томонларнинг йиллар давомидаги сая-ҳаракатлари туфайли эришилган муваффақиятдир.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш учун чегараолди савдо ҳудудлари ташкил этилмоқда, кўшма инвестиция жамғармалари ишга тушириляпти, йирик инфратузилма ва sanoat лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё глобал транспорт занжирларининг муҳим бўғинига айланмоқда. Биз Транскаспий ва Трансафрон транспорт йўлакларини фаол ривожлантиришимиз — бу мамлакатларимизнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу таразда, Марказий Осиё энди тарихининг четига эмас, балки ўз стратегик кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва кўшма иқтисодий ташаббуслар минтақадa барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди.

Марказий Осиё бешлигида Ўзбекистоннинг раислиги даврида биз қуйидаги учта устувор йўналишга алоҳида эътибор қаратамиз: минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлаш.

Олдимизда минтақамизни нафақат барқарор, балки фаровон қилиш учун тарихий имконият турибди. Ишонч билан айта оламаники, биз бу салоҳиятни биргаликда рўёбга чиқаришга қодирмиз.

– **Ўзбекистонда амалга оширилаётган қандай иқтисодий Европа Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда ва Марказий Осиё билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш учун ЕИ томонидан қандай қоралар кўрилиши мумкин?**

– Ўзбекистонда изчиллик билан қулай бизнес муҳитини яратмоқдамиз, бозор институтларини ривожлантирмоқдамиз ва инвестициялар муҳитини яхшилаётимиз. Муҳим қадамлардан бири хорижий инвесторлар учун "ягона дарча" тизими жорий этилгани, валюта бозори либераллаштирилгани, бизнес учун солиқ юки камайtirилгани бўлди. Натижада мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда ижобий суръат кузатишмоқда. 2024 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларга етди, бу ўтган йилга нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Мамлакатимизда Европа капитали иштирокидаги 1 миңдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса

30 миллиард еврога етган. Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши савдо-инвестиция алоқаларини янада чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очишига ишонамиз.

Биз ЕИ бозорига юқори сифатли, экологик тоза ва Европа стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни кўпроқ етказиб беришга тайёрмиз. Бугунги кунда самарали транспорт-логистика йўлакларини ривожлантириш аҳамияти ортиб бормоқда ва Марказий Осиё Европа билан Осиё ўртасидаги шунчаки "кўприк" эмас, балки глобал иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши мумкин.

Шу маънода, биз Европа Иттифоқининг "Глобал дарвоза" стратегиясини минтақадaги асосий транспорт лойиҳалари билан уйғунлаштиришни, Транскаспий транспорт йўлагини илгари суриш бўйича "Ҳаракатлар режаси"ни биргаликда ишлаб чиқишни тақдир этамиз. Бу инвестициялар ортиши, инфратузилма ривож ва инновацион технологияларни жорий этишга янги суръат бағишлайди.

Иқтисодий боғлиқликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун савдо тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, Марказий Осиё маҳсулотларининг Европа бозорига кириш имкониятини яхшилаш, техник стандартлар ва сертификатларни уйғунлаштириш зарур. Шу билан бирга, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш жараёнига Европа бизнесини фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки ва бошқа халқаро молия институтлари орқали молиявий кўмак механизмларини фаоллаштиришни қўллаб-қувватлаймиз. Европалик ҳамкорлар иштирокида кичик ва ўрта бизнес ривож учун қулай шароитлар яратилиши минтақа иқтисодий барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

– **Марказий Осиё – энергия ресурсларига бой ва қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга бўлган кам сонли минтақалардан бири ҳисобланади. Қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш бўйича кейинги тенденциялар ҳисобга олинса, минтақамиз Европанинг энергетик барқарорлигини таъминлашда қандай ўрин тутуши мумкин?**

– Марказий Осиё нафақат энергия ресурсларини барқарор етказиб беришни таъминлай оладиган, балки углеродни қисқартириш бўйича глобал жараёнга ҳам катта ҳисса қўша оладиган ишончли ҳамкорга айланиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари иштирокида амалга оширилаётган Каспий ва Қора денгиз орқали Европада "яшил стратегик йўлак" барпо этиш лойиҳасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро манфаатли энергетик боғлиқликнинг мустаҳкам асосини яратди.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш учун муҳим институционал платформа сифатида Тоza энергетика бўйича Марказий Осиё – ЕИ шериклигини ташкил этиш мумкин. Бу водород ва аммиак каби "яшил" ёқилги, шунингдек, биоёқилги ишлаб чиқариш ва казилма ёқилги ўрнига улардан кенг фойдаланиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради.

Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадaги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда. "Яшил" энергетика ва иқлим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Марказий Осиёда "углерод кредитлари" бозорини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу механизм корхоналарга экологик тоза технологияларга инвестициялар жалб қилиш имконини беради, шунингдек, углерод квоталари савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик платформасига айланади.

Масалан, фаолият юритаётган 14 та янги қуёш ва шамол электр станцияларига қўшимча равишда умумий қуввати 24 миң мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳани амалга ошириш ниятимиз бор.

Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари ўлушини 54 фоизга етказишни режалаштирганмиз. Бу иссиқхона газлари чиқишини қарийб 16 миллион тоннага қисқартириш имконини беради ва Ўзбекистон

Париж келишуви доирасида иссиқхона газлари чиқиндисини 35 фоизга камайtirиш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг мuddатидан олдин бажарилишига имкон беради.

Яна бир муҳим йўналиш энергетика тизимларини модернизация қилиш бўлиб, бу уларнинг самардорлигини оширади ва углерод изини камайtirишга хизмат қилади.

– **Бўлажак саммитда хавфсизлик масалалари муҳокама қилиниши истиқболларни қандай баҳолайсиз? Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси соҳалари Сиз учун алоҳида аҳамиятга эга?**

– Биз халқаро муносабатлар тизимининг чуқур трансформациясига гувоҳ бўляпмиз. Дунёда шундай кенг кўламли ўзгаришлар рўй бермоқдаки, уларнинг оқибатларини ҳозирча аниқ башорат қилиш мушкул.

Худудий хавфсизликни таъминлаш Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳар доим устувор йўналиш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолимоқда. Шу сабабли, 2023 йилда биз Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида бу соҳадaги ҳамкорликнинг янги кун тартибини экспертлар муҳокамасига олиб чиқиш вазифасини қўйдик.

Биз яхши тушунамизки, бизнинг минтақамиз ҳам, Европа Иттифоқи ҳам хавфсизлик соҳасида, жумладан, терроризм, экстремизм ва трансмилий жиноятчиликка, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш масалаларида умумий таҳдид ва хатарларга дуч келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Европа Иттифоқи билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларимизнинг асосий йўналишларидан биридир.

Бугунги воқеликларни инобатга олган ҳолда, фақат мавжуд дастурлар доирасидаги ҳамкорликни давом эттириш билан келмади қолмай, киберхавфлар ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз.

– **Афғонистон Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Кўплаб давлатлар муваққат ҳукумат билан ҳамкорлик қилиш ҳамда бу мамлакатни минтақавий ва халқаро ҳамкорлик жараёнларига жалб этишдан ўзини тийиб турган бир пайтда Ўзбекистон жанубий қўшнисини билан фаол алоқаларни давом эттирмоқда.**

– **Ўзбекистоннинг Афғонистонга бундай ёндашувининг сабаблари нимада, бу масалада давлатларимиз ўртасида жадал ҳамкорликни давом эттириш истиқболлари қандай?**

– Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ёндашуви ҳар доим прагматик ва узоқ мuddатли стратегик тамойилларга асосланиб келган. Биз ҳеч қачон қўшнимиздан юз ўгирмаганмиз, у билан алоқаларни узмаганмиз. Биз қўшни давлатлар, жумладан, унинг яқин ва энг муҳим ҳамкори сифатида Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорлик қилмасдан Афғонистонни ривожлантириш имконсиз, деган фикрга доим ишониб келганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Афғонистонга нисбатан олиб бораётган сиёсатимизни қўллаб-қувватлаганларнинг кўпчилиги бугун унинг тўғрилиги, муқобили йўқлигига тан олишга мажбур бўлишмоқда. Афғонистондаги аввалги тузум бир қатор сабабларга кўра ҳокимиятни сақлаб қолмаслигига амин эдик. Бу сабаблар қаторида аввалги ҳокимиятнинг мамлакат ҳудудини тўлиқ назорат қилишга қобилиятининг, муҳолифат билан мулоқотга тайёр бўлмагани, инклюзив ҳукуматни шакллантиришга интилмагани ва давлат бошқарувининг барча даражаларида коррупция авж олганини келтириш мумкин.

Ҳозирги раҳбарият Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга, ўз ресурсларини аэропортлар, ички темир йўл тармоқлари, сув-энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга ва кўкнор майдонларини қисқартиришга йўналтиришга муваффақ бўлди. БМТ маълумотларига кўра, "Толибон" 2023 йилда гиёҳванд моддалар савдосини таққиллаганидан сўнг, Афғонистонда кўкнор етиштириладиган ерлар 95 фоизга камайган. Афғонистонда кўкнордан холи келажак барпо этиш мақсадида қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрсатилмоқда, қишлоқ ҳўжалигининг муқобил йўналишлари ривожлантирилди.

Бугунги шароитда биз Афғонистонга стратегик имкониятлар нуқтани назаридан қараш зарур деб биланмиз. Ушбу мамлакатни халқаро иқтисодий жараёнларга жалб этиш, хусусан, унинг ҳудудда инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш жуда муҳим.

Шу маънода, биз Афғонистонга нафақат мавжуд инқироздан чиқиш, балки узоқ мuddатли ривожланиш имконини берадиган ижобий кун тартиби ва ташаббусларни илгари суриш учун Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ҳамкорлар билан биргаликда ишлашга тайёрмиз. Ҳозирда биринчи гадаги вазифа — Афғонистонга таълим соҳасида ёрдам беришни давом эттириш, деб ҳисоблаймиз.

Ишончм қомил, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатларининг умумий манфаатларига жавоб беради.

– **Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи қандай қилиб иқлим хавфларига биргаликда қарши туриши мумкин, бу соҳадaги ҳамкорлик учун қандай имкониятлар мавжуд?**

– Иқлим ўзгариши – бу энди инкор этиб бўлмайдиган хатар. Марказий Осиё курғоқчилик,

музликлар эриши ва сув танқислиги билан юзма-юз келаятган бўлса, Европа аномал иссиқлик, ёнғинлар ва экотизимлар ўзгариши билан тўқнаш келмоқда.

Марказий Осиё иқлим ўзгаришига нисбатан энг сезгир ҳудудлардан бири сифатида ўз масъулиятини тўлиқ англайди ва Европа билан узоқ мuddатли ечимлар устида ҳамкорлик қилишга тайёр.

Биз учун сўзсиз устувор йўналиш – бу Марказий Осиёда "яшил" кун тартибини илгари суришдир.

Самарқанд саммити доирасида биз "яшил" ривожланиш бўйича минтақавий концепция лойиҳасини тақдим этишни режалаштирганмиз. Унда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва "яшил" технологияларни жорий этиш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликнинг мустаҳкам асосини яратиш кўзда тутилган.

Биз "ЕИ – Марказий Осиё яшил шериклиги" дастурини ривожлантиришни тақдир этамиз. Унинг доирасида қайта тикланадиган энергия манбалари, экотизимларни тиклаш ва иқлимни рақамли мониторинг қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда қучларимизни бирлаштиришимиз мумкин.

Сув ресурсларини тежаш соҳасидаги сая-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ирригация инфратузилмасини модернизация қилишдан тортиб музликларни биргаликда қузатиш ва илгор сув тежовчи технологияларни жорий этишгача бўлган йўналишларда ҳамкорлик учун катта имкониятларни кўрапмиз.

ЕИ билан ҳамкорликни кенгайтиришдан, хусусан давлат-хусусий шериклик соҳасида Европа тажрибасидан фойдаланишдан умидимиз катта.

Устувор йўналишлардан яна бири – экотизимлар ва биохилма-хилликни тиклашдир.

Таназзулга учраган ерларни, шу жумладан Оролбўйи ҳудудини қўқаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли дастур – "Марказий Осиёнинг яшил белбоғи" лойиҳасини амалга оширишга бошлангиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳият мавжуд.

Биз экологик соҳада таълим тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотлар ўтказишга ҳам устувор эътибор қаратаймиз. Утган йили минтақамизда биринчи "Яшил" университетни очдик, бу таълим маскани кўшма тадқиқотчи ўқитиш ва инновацияларни жорий этиш учун самарали майдон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

– **Бўлажак олий даражадаги учрашувдан нималар кутаясиз? Саммит якунида қандай натижаларга эришилишини истардингиз?**

– Бўлажак саммит ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамият касб этади, чунки биринчи марта Марказий Осиёнинг бешта мамлакатини ва Европа Иттифоқи етакчилари бир жойда тўпланди.

Биз бу саммит Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа бўлишини кутамиз. Кейинги йилларда ҳамкорлигимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сиёсий мулоқот янада чуқурлашди, ҳамкорлигимизга янада тизимли тус берадиган, уни узоқ мuddатли мақсадларга йўналтирадиган янги механизмлар ишлаб чиқилди, деб умид қиламиз. Минтақаларо ҳамкорлик, айниқса, иқтисодиёт, савдо, энергетика ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни муҳокама қилиш саммит кун тартибидaги муҳим масалалардан бири бўлади.

Самарқанд декларациясининг имзоланиши саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлиши керак. Бу ҳужжат томонларнинг стратегик шериклик ўрнатишга бўлган умумий интилишини ақс эттиради. Декларация нафақат эришилган келишувларни мустаҳкамлайди, балки минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратди.

Биз инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, кўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, инновациялар ва рақамли ечимларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ келишувларга эришишдан умидворимиз.

Албатта, кўплаб саволларга саммит якунида жавоб топилади. Бироқ ҳозирдан айтиш мумкинки, бу учрашув Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида барқарор, ўзаро ман

Ba'zida falon davlatga yuborilgan qishloq xo'jalik mahsuloti sifatsizligi uchun yurtimizga qaytarilibdi, oziq-ovqat tarkibida zararli moddalar borligi uchun qabul qilinmabdi, degan gap-so'zlar qulog'imizga chalinadi. Shunday paytda mahsulot eksportga chiqarilishidan oldin tekshirib ko'rilmaganmikan, sifati kafolatlanmaganmikan, deb o'ylanasi.

Xorijga chiqariladigan mahsulot sifati bo'lishi zarur



Ma'lumotlarga ko'ra, 2024-yilda viloyatimizdan 277 million AQSh dollari qiymatidagi 223 ming tonna meva-sabzavot mahsulotlari dunyoning 57 davlatiga eksport qilinib, avvalgi yilga nisbatan 104 million dollarlik ko'p mahsulot sotilgan.

Joriy yilda ham bu borada barqaror o'sish sur'atlari ta'minlanib, yanvar-fevral oylarida 89,6 million dollarlik qishloq xo'jalik mahsulotlari xorijga yo'naltirildi. Ushbu eksport operatsiyalarini o'z vaqtida va belgilangan tartiblarga rioya etgan holda amalga oshirishda viloyat o'simliklar karantini va himoyasi boshqarmasining faoliyati muhim ahamiyat kasb etmoqda. Xorijga chiqarilayotgan mahsulotlar boshqarma va uning hududiy bo'limlari fitosanitar nazorati inspektorlari tomonidan nazorat tartibida ko'rikdan o'tkazilib, organik tozaligi, eksportbopligiga e'tibor qaratilmoqda.

Prezidentimiz raisligida tadbirkorlikni har tomonlama qo'llab-quvvatlash bo'yicha 2024-yilda amalga oshirilgan ishlar yakunlari va joriy yilgi asosiy rejalar yuzasidan o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida ham qishloq xo'jalik mahsulotlari tayyorlashda ichki iste'mol bozori bilan cheklanmasdan, eksportni yanada ko'paytirish vazifasi belgilab berildi. Jumladan, bu yil 3,5 milliard dollarlik meva-sabzavot mahsulotlarini xorijga yo'naltirish imkoniyatlari mavjudligi ta'kidlandi. Binobarin, yetishtirilgan mahsulotlarni qayta ishlash uchun xarid qilingan uskunalar 1 milliard so'mgacha subsidiya ajratilishi tadbirkorlar uchun imtiyoz, yaratilayotgan qulaylik hisoblanadi.

Samarqand tumanida o'tgan yilning yanvar-fevral oylarida 8,6 million AQSh dollari qiymatidagi qishloq xo'jalik mahsulotlari eksport qilingan. Ushbu yo'nalishdagi imkoniyatlar va eksportchilarning qo'llab-quvvatlanishi natijasida joriy yilning dastlabki ikki oyida bu ko'rsatkich 9,8 million AQSh dollariga to'g'ri kelmoqda. Misol uchun, "Samrid-treyd" O'zbekiston-Latviya qo'shma korxonasida mayiz, o'rik, olxo'ri, yong'oq va boshqa mahsulotlar Turkiya texnologiyasi asosida quritilib, qadoqlangan holda asosan Yevropa davlatlari, shuningdek, Xitoy va Mo'g'ulistonga eksport qilinmoqda. Bu yerda kuniga 20-25 tonna mahsulot qayta ishlanib, qadoqlanadi. Tumandagi "Nurshodbek-eksport" mas'uliyati cheklangan jamiyatida ham karam, yeryong'oq, loviya singari mahsulotlar quritilib, Rossiyaga yetkazib berilmoqda.

Oqdaryo tumanida ham joriy yilning ikki oyida xorijga sotilgan 3,9 million dollarlik oziq-ovqat mahsulotlarining 1 million dollari "Usmon-Afrobil" mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi korxonada hissasiga to'g'ri keldi. Asosan dukkakli mahsulotlarni eksportga chiqaradigan korxonada mart-aprel oylarida yana 3,5 million dollarlik tovar yetkazib berish bo'yicha shartnoma tuzgan.

Viloyat o'simliklar karantini va himoyasi boshqarmasi axborot xizmati.

Noqonuniy qurilish qilganga...



O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksining 60-moddasi 4-5-qismlariga ko'ra, yer uchastkalarini o'zboshimchalik bilan egallab olish, shu jumladan, ushbu yer uchastkalariga nisbatan qonuniy huquqlari mavjud bo'lmagan holda ulardan foydalanish fuqarolarga bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh baravari, mansabdor shaxslarga esa ellik baravari miqdorida jarima solishga sabab bo'ladi.

O'zboshimchalik bilan egallab olingan, ajratilgan yer uchastkasiga tutash bo'lgan va tutash bo'lmagan yer uchastkalarida qurilish

Huquqiy savodxonlik

ishlarini amalga oshirish fuqarolarga bazaviy hisoblash miqdorining 150 baravari, mansabdor shaxslarga esa 300 baravari miqdorida jarima solishga sabab bo'ladi. Shuningdek, Fuqarolik kodeksining 212-moddasi 3-qismiga ko'ra, o'zboshimchalik bilan imorat qurish natijasida huquqlari buzilgan shaxsning yoki tegishli davlat organining da'vosi bilan bunday imoratni qurgan shaxs tomonidan yoki uning hisobidan buzib tashlanishi lozim.

Akmal JOVLIYEV, viloyat adliya boshqarmasi shu'ba boshlig'i.

Tabiatni onaga qiёslashimiz bejiz emas, chunki borlik tabiat kўyiniда vужudga kelgan. Odam ҳам tabiat bilan uzviy aloqada, u ўzining yashaши uchun barча зарурий бойликларни табиятдан олади ва унга жиддий таъсир кўрсатади.

Рақамларга қарайдиган бўлсак, кейинги ўн йилликларда саноатнинг янада ривожланиши, транспорт воситаларининг кескин ортиб кетаётганлиги туфайли атмосферада карбонат ангидрид (CO₂) гази кўпайиб, барча тирик мавжудотлар ва ўсимликлар дунёсига кескин салбий таъсир қилмоқда.

Масалан, 1960 йилларда республикамиздаги очик сув хавзаларида 170 дан ортиқ қуш тури бўлган бўлса, 2022 йилда олиб борилган тадқиқотлар натижаси таҳлил қилинганда республикамиздаги 49 та очик сув хавзасида 111 турдаги қушлар мавжудлиги аниқланган. Шундан 24 тури Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган. Ҳозирги кунда қушларни муҳофаза қилиш масаласи долзарб экологик

Ўзбекистонда 65 йилда 60 дан ортиқ қуш тури йўқолган

муаммолардан бирига айланди. Дунё бўйича 10 мингга яқин қуш туридан 1200 дан ортиғи ёки қушларнинг ҳар саккизинчи тури Халқаро табиятни муҳофаза қилиш иттифоқининг "Қизил рўйхати"га киритилган.

Бугунги кунда республикамиз миқёсида оқ лайлак, қора каптар, олақанот, оқ турна, бизгалдоқ, Зарафшон тустовуғи, тувалоқ, булбул, жингалаксоч сақоқуш, Осиё лойхўрағи, ингичка тумшўқли балчиқчи, қорабошли балчиқчи, оқбур қушлари ҳам йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Шунингдек, итолғи, лочин, дашт микқийси, шахин, қизилғоз, оқбош қумов, чўл бурғути, қошиқбурун, сариқ қарқара, қора каптар, олақанот, қизилтамоқ гоз каби қушлар йўқолиш хавфига дуч келган.

Атроф-муҳитнинг экологик барқарорлигига эътибор қаратилмаса, табият кислород билан ўйинтирилмаса яқин келажакда қолган қуш турларини ҳам келажак авлод фақатгина расмларда томоша қилиши мумкин бўлиб қолади.



Бугунги кунда табиятшунос олимлар, эколог мутахассислар мавжуд қуш тур вакиллари сақлаб қолиш учун қатъий чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур. Дарахт кесишга маторий жорий қилинган бўлса-да, миллионлаб дарахтлар кесиб ташланмоқда. Биргина 2020-2022 йилларда 22 мингга яқин дарахт ноқонуний кесилган. Оқибатда қушлар мақон курайдиган масканлар сони камайиб, улар-

нинг йўқолиб кетиш хавфи ортмоқда. Йўқолиб кетиш арафасида турган кўп сонли қуш турларини сақлаб қолиш учун тоғ ёнбағирларида ҳам қурғоқчиликка чидамли қайрағоч, олча, дўлана ва бошқа бута ва бутасимон кўчатлар экилиб, ўстирилишига алоҳида эътибор бериш керак. Агар экологик вазият шу тарзда давом эттирилса, яқин келажакда шаҳарларимизда қарға ва майнадан бошқа қушни кўриш орзуга айлиниб қолиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, агар борлиқда қушлар йўқ бўлиб кетса, экологик фалокат юз беради. Чунки қушлар чигиртка ва бошқа зараркунанда ҳашаротлар билан озиқланади. Бундан ташқари, ўсимликларнинг чанганишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Қушларни асраш табиятни, иқлимни, ўзлимизни ва келажакни асрашдир.

Дилбар ЯРМАНОВА, Лиля БЕЛЯЛОВА, Шароф Рашидов номидagi Самарқанд давлат университети доцентлари.

O'zbekiston kasaba uyushmalariga 120 yil



Toyloq tumanida joylashgan Veterinariya ilmiy-tekshirish institutida o'n yildan buyon bosh hisobchi bo'lib ishlab kelgan Jo'rabek Jalilov bilan tuzilgan mehnat shartnomasi 2025-yil 21-yanvar ish beruvchi tashabbusi bilan bekor qilinib, u o'z vazifasidan ozod qilindi.

Kasaba uyushmalari ko'magida hisobchi ishga tiklandi

Bundan norozi bo'lgan bosh hisobchi mehnatga oid huquqlarini tiklashda amaliy yordam so'rab, O'zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasi viloyat kengashiga murojaat qildi.

– Kasaba uyushmalari viloyat kengashi raisining yuridik masalalar bo'yicha maslahatchisi T.Eshmonov va bo'lim mutaxassislari tomonidan murojaatim qonuniy ko'rib chiqilib, buzilgan huquqlarimni tiklash bo'yicha hujjatlarini o'rganishdi, – deydi J.Jalilov. – Natijada ish beruvchi tomonidan mehnat qonunchiligi va talablari, mehnat shartnomasini bekor qilish bo'yicha yo'l qo'yilgan kamchiliklar tuzatilib, yana o'z ishingga qayta tiklandim. Fuqarolarning, xususan, ishchi-xodimlarning mehnatga oid haq-huquqlarini tiklash hamda ijtimoiy-iqtisodiy manfaatlarini himoya qilishda kasaba uyushmalarining o'rni beqiyosligiga yana bir bor amin bo'ldim.

D.TO'XTAYEV.



"Baxt" inson hayoti bilan bog'liq asosiy tushunchalardan biri. Insonning millati, irqi yoki e'tiqodidan qat'i nazar, bu tushuncha borliqning muayyan to'liqligini, shaxsning pirovard maqsadini anglatadi. Albatta, har bir inson uni o'zicha talqin qiladi va turli qadriyatlar bilan bog'laydi.

Baxtga intilish haqidagi tushunchalar Avgustin, Arastu, Seneka, Foma Akvinskiy, Farobiy tomonidan ko'rib shiqilgan. Polyak faylasufi V. Tatarkevich baxtni eng oliy yaxshilik deb tushunadi. Baxt quvonch, omad va mukammalliksiz bo'lishi ham mumkin. Baxt – bu mamuniyat emas, balki quvonchga o'xshash eng oliy intensivlikning yoqimli holatidir. Baxt vaqtga ham tegishli, chunki u nafaqat hozirgi, balki o'tmish va kelajak istiqbollari baholashni o'z ichiga oladi.

Baxt-kamolotga erishish



Abu Nasr Farobiyning yozishicha, insoniy vujudan maqsad, eng oliy baxt-saodatga erishishdir. Biroq dastavval baxt-saodatning nima va nimalardan iborat ekanligini bilish, unga erishuvni o'ziga g'oya va oliy maqsad qilib olish, butun vujud bilan maftun bo'lish lozimligini ta'kidlaydi. So'ngra unga olib boradigan amal va vositalarning nimalardan iborat ekanligini bilib olish zarur. Shuningdek, baxt-saodatga erishtiradigan ishlarni shaxsan bajarishga kirishmoq lozim, shundagina inson kamolotga erishadi.

"O'zbek tilining izohli lug'ati"da "baxt" so'zi ulush, taqdir, qismat, ma'nosini anglatgani qayd etiladi. Shu bilan birga, bu so'z vaqtlar o'tishi bilan faoliyat, muvaffaqiyat, turmush tarzi, istaklarning bajarilishi, maqsadlarga erishish kabi ma'nolarni ham bildirib, axloqiy qadriyatlarga yaqinroq bo'lgan tushunchalarni ham anglatadi boshlagan.

Safo KARIMOVA, Samarqand davlat chet tillar instituti dotsenti, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

DA'VOLAR BO'LSA...

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ahmedova Farangiz Aslamovna notarial idorasida marhum Kurbonov Najmiga (2003-yil 8-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ahmedova Farangiz Aslamovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Lutfiy ko'chasi, 80-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasida marhum Kuzyev Avaz Sindarovichga (2014-yil 14-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Nodirabegim ko'chasi, 5/1-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Hazratqulov Mahmud Mo'minqulovich notarial idorasida marhum Abdulfoyzova Nina Valentinovna (2011-yil 20-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Hazratqulov Mahmud Mo'minqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Amir Temur ko'chasi, 36-uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Toshmurov Alisher Po'latovich notarial idorasida marhum Atamurov Akbar Mansurovichga (2024-yil 28-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Toshmurov Alisher Po'latovich notarial idorasiga

murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Obod ko'chasi, 3-uy, 35-xona.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasida marhum Abdullayev Olimjon Abdullayevichga (2022-yil 23-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri O'zbekiston ko'chasi, 35-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Zikirova Shahlo Habibovna notarial idorasida marhum Usmonov Sadriga (2018-yil 5-aprelda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Zikirova Shahlo Habibovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Amir Temur ko'chasi, 156-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Bobomurodov Pirmamat Isomiddinovich notarial idorasida marhum Mukumova Tursunga (2021-yil 8-mayda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Bobomurodov Pirmamat Isomiddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Beruniy ko'chasi, 12-uy.

BEKOR QILINADI
Past Darg'om tumanidagi "SAMARQAND KAMALAK INVEST TEKSTIL" mas'uliyati cheklangan jamiyatining (STIR: 302831049) dumaloq muhri yaroqsiz holga kelganligi sababli bekor qilinadi.

"Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили":
Тежамкорлик, яшил энергияга ўтиш, экологик таълим

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ

нега шаклланмаяпти?

"Сувга тупурма, сувни исроф қилма, чиқиндини ариққа ташлама, ниҳолни сандирма, уйни тўзғитма..." Ота-онамиз, бобо-бувиларимиз, умуман, ёши катталар бу гапларни болагимиздан қулоғимизга қуйишган. Бироқ ҳозир нафақат ёшлар, балки катталарнинг ҳам табиатга муносабатига ҳавас қилиб бўлмайди. Биргина мисол. Қишлоғимиз тоғ ёнбағрида жойлашган. Худуднинг сўлим табиати, тоза ҳавоси кишини ўзига қорлайди. Кимдир оиласи, бошқа биров дўстлари билан келиб, тез-тез ҳордик чиқаради. Лекин аксарият ҳолларда улар кетгач, ўша жойда орқасидан чиқиндилар тўпланиб қолади. Бу кетишда тоғлар ҳам чиқиндихонага айланиши ва дам олиш жойлари кескин камайиши ҳеч гап эмас. Хўш, фуқароларнинг табиатга муносабатини ўзгартириш учун нима қилиш керак?

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ДАВОМ ЭТТИРИЛСА...

Халқимизнинг жуда кўп яхши урф-одатлари бор. Жумладан, ота-боболаримизнинг оилада ўғил фарзанд туғилганда, унга иморат қураман, уй қиламан, деб дарахт экиши, боғ яратиши эзгу қадрият саналади. Аммо кейинги пайтда бундай анъаналар эътибордан четда қолмоқда. Тўғри, турли дастур, акция ва тадбирлар доирасида кўчат экиляпти. Бироқ кўчат экиш ҳар бир оилада анъанага айлантирилиб, қадриятларимиз давом эттирилса, диёримизда гўзал манзара ҳосил бўлади. Қолаверса, соф ҳаводан нафас оламиз, оилада ва ёшлар ўртасида экологик маданият шаклланади.

ХОРИЖЛИКЛАРДАН ЎРГАНИБ, ЎЗГАРИШНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК

Японияликлар ўз ватанида ёки бошқа юрtdа бўлса ҳам борган жойини тоза, озода сақлайди ва ҳатто чиқиндиларни ўзи билан олиб кетади. Машинада юрганда ойнадан чиқинди улоқтирмайди, кечаси кимнингдир эшиги тагига чиқинди ташлаб кетмайди, ота-онаси тенги одамларнинг меҳнатини қадрлайди. Чунки бу уларга хос менталитет. Оилада, таълим муассасалари ва ишхонада ҳам тозалikka эътибор қаратилади. Шу боим ҳам бу мамлакатда 80 фоиздан зиёд қаттиқ ва маиший чиқинди қайта ишланади.

Японияда ҳар йили чиқиндиларни йиғиш бўйича халқаро чемпионат ҳам бўлиб ўтади. Унда нафақат японияликлар, балки бошқа мамлакат вакиллари ҳам қатнашади. Хўш, нега бизда шундай ташаббуслар йўқ? Аксарият ҳолларда арзиманг тадбир ва челленгга миллионлаб маблағ сарфланади. Ўзимизда ҳам шундай мусобақалар ташкил қилиб, жойларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш керак. Фаол иштирок этганларга соврин ёки пул мукофоти берилса, янаям яхши. Йўқса, бу ишга кўпчиликни жалб қилиб бўлмайди. Зора чиқиндини махсус кути ёки белгиланган жойга ташлашни ўрганамиз. Ҳеч бўлмаганда, худуд обод бўлади ва ободонлаштириш ходимлари меҳнатининг қадрига етармидик.

Яқинда Германияда бўлган танишимнинг айтишича, бу давлатда бирор жойда чиқинди сочилиб ётмас экан. Чунки чиқинди аҳолидан сотиб олинади ва ҳар қадамда чиқинди ташланганидан махсус ускуналар қўйилган. Эътиборлиси, ускуна ташланган чиқиндининг турига қараб, пул чиқаради ва қайта ишлагга саралаб беради.

Германияда маиший чиқиндиларни алоҳида йиғиш 1980 йилларнинг охиридан бошланган бўлса, 2015 йилдан танаб йиғишнинг ағона тизими ишлаб келмоқда, - дейди у. - Германияликлар маиший чиқиндилардан биомасса, қоғоз, шиша, металл ва пластмасса алоҳида тўплайдилар. Бу турдаги чиқиндилар учун махсус рангли идишлар ўрнатилган. Масалан, кўк - қоғоз маҳсулотлари учун, яшил - органик чиқиндилар учун. Дорихоналарда мuddати ўтган дори-дармонлар қабул қилинади, дўконларда эски батареялар учун йиғиш пунктлари мавжуд бўлиб, мамлакатда маиший чиқинди 66 фоиз қайта ишланади.

Германия ва Япония - ривожланган давлатлар. Биз ҳали уларнинг даражасига етганимиз йўқ ва ҳатто, мамлакатимизда чиқиндиларни ташлаш учун урна етишмайди. Фуқароларимизда атроф-муҳитга муносабат ва чиқиндини саралаш кўникмаси ҳам етарли даражада шаклланмаган.

Масалан, ҳозир юртимизнинг барча туман, шаҳар ва маҳалла марказларида чиқинди йиғиш жойлари ва қутилари бор. Чиқиндиларни бир-бирига



аралаштириб юбормаслик учун урналар турли рангда ва устига "қоғоз, пластик, бошқа чиқиндилар" деб ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган. Чунки пластмасса, шиша, металл ва қоғоз асосий турдаги чиқиндилар бўлиб, қайта ишлагга осон ва қулай. Бироқ аксарият ҳолларда бунга эътибор берилмайди. Кимдир қанақа чиқинди бўлишидан қатъи назар, истаган қутига ташласа, бошқа биров дуч келган жойга улоқтиради. Ҳатто чиқиндини белгиланмаган жойга ташлаш жаримага сабаб бўлса ҳам.

Албатта, чиқиндини урнага солиш учун қайсидир таълим даргоҳида ўқиш шарт эмас, балки одамда фаросат бўлиши керак. Бу тушунча эса оила муҳитида шаклланади. Ҳар бир хонадоннинг саришталиги, ободлиги унинг оstonасидан, кўча-кўй, ҳовли-жойни тоза ва саранжом тутишда билинади. Ёши катталар неъматларининг қадрига етса, исроф қилмаслиқни, тежаб ишлатишни ўзидан бошласа, фарзандлари ва ён-атрофдагилар улардан ўрнак олади.

ЧИҚИНДИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН ИМТИЁЗЛАРНИ ҚУПАЙТИРИШ КЕРАК

Юқорида атроф-муҳитга муносабат, чиқиндиларни қайта ишлаш борасида ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳақида тўхтадик. Айни шу тажриба асосида органик моддалардан биогаз олишни йўлга қўйган самарқандлик тадбиркор фаолияти ҳақида ҳам ёзишни маълуқ топдик.

Махсус ускуналарда органик моддаларни бижитиш усули билан биогаз олиш технологиясида Хитойда биринчи бўлиб фойдаланилган. Ҳозирда мамлакатда миллий энергостеъмолнинг 30 фоиздан ортиғи биогаз ҳисобидан. Бу қурилма жуда содда бўлиб, кам сонли қорамол ва паррандага эга бўлган ҳар бир хонадон эгаси уни ўрнатиши мумкин. Майдон жиҳатдан кўп жой эгалламайди, реактор учун ҳам жиҳозлар сони кам. Мамлакатимизнинг 60 фоиздан кўпроқ аҳолиси қишлоқ худудига яшагани ҳисобга олсак, бу усулда биогаз олиш жуда қулай. Хитойга бориб, ушбу тажрибани ўрганган пайариклик тадбиркор Алижон Тамиров аҳоли хонадонларида қишлоқ шaroитида органик чиқиндидан биогаз олишга мўлжалланган кичик ҳажмдаги биогаз қурилмалари ўрнатмоқда.

Ҳар бир қорамол чиқиндисидан бир кунда 4,2 куб метргача биогаз олиш мумкин, - дейди «УЗБИОГАЗ» МЧЖ раҳбари А.Тамиров. - Бошқача айтганда, битта қорамол чиқиндисидан олинадиган кунлик биогаз қарийб 10 килограмм ёғоч-ўтин ёки 5 килограмм кўмир энергиясига тўғри келади (Органик чиқиндига барг-ҳазонлар ва чирийдиган бошқа чиқитларни ҳам аралаштириш мумкин). Хитойда кўп хонадонларда биогаз қурилмаси ўрнатилган бўлиб, бу усулни ўрганиш мақсадида ушбу давлатда бўлдим ва мутахассислар билан тажриба алмашгач, биогаз қурилмалари ишлаб чиқарувчи цех ташкил қилдим. Ҳозир йиғирмага яқин хонадонга шундай қурилма ўрнатдик.

Қурилма нархи ҳажмига қараб 20 миллион сўмдан бошланади. Бироқ фуқаролар ускунани сотиб олишга қийналмоқда. Шунинг учун биоқурилмани осон ва қулай усулда ўрнатиш учун фуқароларга субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратиш, чиқиндидан биогаз олиш бўйича кластерлар ташкил қилиш, маҳаллий фермаларда биогаз заводларини ташкил этиш, биотехнология соҳасида кадрлар тайёрлаш ва хориж тажрибасини ўрганиш керак.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.



MOTURIDIY VA MAHDUMI A'ZAM

qadamjosi obod bo'ladi,

YANGI OBYEKTЛАR VA UY-JOYЛАR BARPO ETILADI

Viloyat qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmasi tomonidan Imom Moturidiy va Mahdumi A'zam ziyoratgohlarini rekonstruksiya va restavratsiya qilish, shuningdek, viloyatdagi boshqa loyihalar bilan OAV vakillarini tanishtirish maqsadida press-tur tashkil etildi.

DUNYO MUSULMONLARINING 70 FOIZI MOTURIDIY TA'LIMOTI ASOSIDA ISLOM DINIGA E'TIQOD QILADI

Yaqinda davlatimiz rahbari Samarqandga tashrifi davomida Imom Moturidiy majmuasida qurilish va ta'mirlash ishlarini olib borish, Oqdaryo tumaniidagi naqshbandiya ta'limotining rahnamolaridan biri Mahdumi A'zam qadamjosini ta'mirlash va obodonlashtirish haqida aytib o'tgan edi.

Ushbu maqbara 2000-yilda birinchi Prezidentimiz tashabbusi bilan buyuk imom, faqih, kalom ilmining sohibi, moturidiya ta'limotining asoschisi Abu Mansur Muhammad ibn Muhammad ibn Mahmud al-Moturidiy sharafiga bunyod etilgan, - deydi Imom Moturidiy majmuasi rahbari Ulug'bek Amirov. - Moturidiy 870-yilda Samarqandning Moturid qishlog'ida tavallud topgan va umrining oxiri (944-yil)ga qadar shu yerda yashagan. Yuzlab ulug' allomalar, sayyidlar, shayxlar, imomlar va g'oziyalar Chokardiza qabrisonida dafn etilgan. Moturidiy Imom A'zam Abu Hanifa mazhabini rivojlantiradi, islom dinining turli oqim va guruhlarga bo'linib ketishini oldindan ko'ra olgan va buni oldini olishga uringan. Dunyo musulmonlarining 70 foizi al-Moturidiy ta'limoti asosida islom diniga e'tiqod qilishi olim yaratgan "Moturidiya" ta'limot maktabi g'oyalarning qanchalik ahamiyatli ekanidan dalolat beradi.

Prezidentimiz qaroriga ko'ra, bu yil yurtimizda alloma tavalludining 1155 yilligi keng nishonlanadi. Qayd etilganidek, Moturidiy majmuasida 1 ming 500 kishiga mo'ljallangan jome masjid, ma'muriy bino qurilishi ko'zda tutilgan. U yerda kutubxona, majlislar zali, innovatsion muzey hamda mutaxassislar uchun xonalar bo'ladi. Majmua yaqinida ziyoratchilar uchun avtoturargoh, tahoratxona quriladi. Albatta, bu euzu ishlar Moturidiy bobomizning boy ilmiy-ma'naviy merosi va ta'limotini chuqur o'rganish, tadqiq etish hamda mamlakatimizda islom

Qoziy qo'lida piriqlik darajasiga yetishadi. Keyinchalik o'zi tariqat ilimga doir 40 dan ziyod asar yozadi va 60 nafar shogirdini piriqlik darajasiga yetkazadi. Bu zotga ilm va din yo'lidagi xizmatlari uchun "Mahdumi A'zam" unvoni beriladi. A'zam arabchada ulug' ma'nosini bildiradi, ya'ni alloma ulug'lik darajasiga erishgan. 1542-yilda 81 yoshida Samarqandda vafot etgan.

Majmua Mahdumi A'zamning nabirasi Xo'ja Hoshim davrida 1618-yilda Samarqand hokimi Yalangto'sh Bahodir tomonidan bunyod etilgan.

Alloma mangu qo'nim topgan ziyoratgoh Prezidentimiz tashabbusi bilan rekonstruksiya qilinadigan bo'ldi. Mahdumi A'zam ziyoratgohining umumiy maydoni 4,7 gektarni tashkil etadi. Maqbara yonida uch qavatli avtoturargoh, tahoratxona, masjidga qo'shimcha ayvonlar qurilishi rejalashtirilmoqda. Shuningdek, hududda obodonlashtirish ishlari olib borilib, ziyoratchilar uchun dam olish maskanlari ham barpo etiladi.

180 MING AHOLI UCHUN ZAMONAVIY SHAHARCHA BARPO ETILMOQDA

Keyingi manzil Shirin direksiyasi bo'ldi. "Shirin" biznes shahri Samarqandning shimoliy qismida, Zarafshon daryosi bo'yida joylashgan. Umumiy maydoni 665 gektarni tashkil etadi. Loyiha 180 ming nafar aholi uchun mo'ljallangan bo'lib, turarjoy hududlari, ma'muriy va biznes markazlari, ta'lim va tibbiyot muassasalari, shuningdek, zamonaviy transport va muhandislik kommunikatsiyalarini o'z ichiga oladi. Shahar qurilishi Samarqand mintaqasini rivojlantirishga qaratilgan urbanistik strategiyaning bir qismi bo'lib, zamonaviy me'moriy yechimlar va ilg'or qurilish texnologiyalaridan foydalanilgan holda amalga oshiriladi. Loyiha yuqori darajadagi energiya samaradorligi va ekologik xavfsizlikni ta'minlashga qaratilgan.



qadriyatlarini asl holatda targ'ib qilish va sof aqidaviy yo'nalishni keng yoyishda muhim ahamiyat kasb etadi.

MAHDUMI A'ZAM PAYG'AMBARIMIZ AVLODIDAN

Mahdumi A'zam 1461-yilda Namangan viloyatining Kosonsoy tumanida tug'ilgan. Manbalarga ko'ra, Mahdumi A'zam hazratlari 21 ajdod bilan payg'ambarimiz Muhammad alayhissalomga yetib boradi, ya'ni payg'ambar avlodidan. Yoshlik chog'ida Farg'onadagi madrasada savod chiqarib, Samarqandda Xoja Ahror Valiyning shogirdi Muhammad

- Shaharda energiya ta'minotining 30 foizi quyosh panellari, 60 foizi suv va chiqindilarni qayta ishlash texnologiyalaridan foydalanilgan holda ta'minlanadi, - deydi Shirin direksiyasi bosh muhandisi Botir Pardayev. - Shuningdek, shaharchada kogeneratsiya qurilmalari joriy etiladi. Ushbu tizimlar bir vaqtning o'zida issiqlik va elektr energiyasini ishlab chiqarish imkonini beradi. Shaharda "aqlli" suv ta'minoti, avtomatlashtirilgan energiya boshqaruvi va ekologik toza transport tizimlari joriy etiladi. Loyihaning birinchi bosqichi 100 gektar hududni qamrab olib, 30 ming aholi istiqomat qilishi uchun mo'ljallan-



gan. Ushbu bosqich doirasida 6 ta asosiy lot turli funksiyalar uchun qurilishi rejalashtirilgan.

Shaharsozlikning zamonaviy transport infratuzilmasini yaratish maqsadida monorels tizimi va osma ko'priklar qurilishi ko'zda tutilgan. Monorels tizimi aholi va sayyohlar uchun tez va qulay jamoat transporti bo'lib, shaharning asosiy hududlarini birlashtiradi. Bu esa yo'lardagi tirbandlikni kamaytirish va ekologik toza transport vositalaridan foydalanish imkonini beradi.

Ta'kidlanishicha, Shaharchada aholi uchun qulaylik yaratish maqsadida 70 foiz turarjoy binolarining birinchi ikki qavatli savdo va xizmat ko'rsatish maydonlari uchun ajratiladi. Birinchi bosqich qurilishi doirasida 88 ta turarjoy binosi barpo etilib, 3 060 o'rinni 8 ta bolalar bog'chasi va umumiy 10080 o'rinni 6 ta umumta'lim maktabi quriladi. Avtomobil uchun 7 ming o'rinni kamaytirish avtoturargohlari barpo etiladi. Mazkur loyiha doirasida ta'lim, tibbiyot, savdo va xizmat ko'rsatish sohalarida 10 mingdan ortiq yangi ish o'rinlari yaratiladi.

HARBIY GOSPITAL O'RNIDA BOLALAR VA JAMOAT PARKLARI TASHKIL ETILADI

Samarqand shahrida aholining uy-joyga bo'lgan ehtiyojini qondirish maqsadida zamonaviy turarjoylar barpo etiladi. Jumladan, shahardagi Baraka, Ipak yo'li, Temiryo'lichilar, Maysazor, Mehnat va Matonat mahallalari hududida renovatsiya asosida uy-joylar bunyod etiladi. Ushbu massiv 301 gektar maydonni egallab, 141,2 gektarda turarjoylar quriladi. Massivda ma'muriy markaz, xizmat ko'rsatish binolari, loyihaviy sanoat hududi ham bo'ladi. Shu bilan birga, Samarqand shahridagi O'zbekiston ko'chasida joylashgan harbiy hospital o'rnida bolalar va yashil jamoat parklari barpo etilishi rejalashtirilmoqda.

Bolalar va yashil jamoat parklari qurilishi rejalashtirilayotgan hududning yer maydoni 5,4 gektar bo'lib, binolar soni 20 ta, shundan uchta madaniy meros obyekti, - deydi viloyat qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmasi axborot xizmati rahbari Sarvar Bobonazarov. - 1870-yillarda qurilgan mazkur tarixiy obyektlar atrofida ko'p yillik daraxtlar mavjud. Bugungi kunda ushbu hospital o'rnida istirohat bog'i tashkil qilish maqsadida mukammal loyiha ishlab chiqilmoqda. Ya'ni, binolarga zarar yetkazmagan holda muzey, kreativ to'garaklar, pavilonlar, yopiq va ochiq attraksionlar, asosiysi, hududdagi aholi va sayyohlar uchun dam olish maskani tashkil etiladi.

F.FAXRIDINOV.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 14 479 nusxada chop etildi. Buyurtma 159. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

X.ERNAZAROVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda

